

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

УДК: 8.04.+416.6

ЛИРИК КОМПОЗИЦИЯДА ҚОФИЯНИНГ ЎРНИ
 МЕСТО РИФМЫ В ЛИРИЧЕСКОЙ КОМПОЗИЦИИ
 IMPORTANCE OF RHYME IN LYRIC COMPOSITION

Г.Орипова¹¹Г.Орипова

— ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада қофиянинг композицион уйғунликни юзага чиқариш, лирик асар оҳангдорлиги, фикр-туйғулар таъсирчанлиги, ифода ҳаётийлиги ва жонлилигини таъминлашдаги функцияси ёритилган. Қофиянинг шеърий асар ритмик таркиби ва синтактик-семантик уйғунликни таъминлашдаги муҳим ўрни тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье освещены функции выявления композиционного единства рифмы, мелодики лирического произведения, импрессивности идей и чувств, жизненности изложения. Исследовано особое значение рифмы в обеспечении поэтического произведения порядком ритмов и синтаксическо-семантическим единством.

Annotation

The article elucidates the functions of revealing the compositional harmony of rhyme, melodic of lyric work, impressiveness of ideas and feelings, vividness of narration. The special importance of rhyme in providing the poetic work with the sequence of rhythms and syntactic-semantic unity is studied.

Таянч сўз ва иборалар: лирик композиция, шеърий жанр, поэтик ғоя, қофия, тўқ қофия, кесма қофия, ровий, анафора.

Ключевые слова и выражения: лирическая композиция, поэтический жанр, поэтическая идея, рифма, полная рифма, пересеченная рифма, “ровий”, анафора.

Keywords and expressions: lyric composition, poetic genre, poetic idea, full rhyme, crossed rhyme, raviy, anaphora.

Шеъриятдаги икки мустақил жиҳат – мавзу ва композиция бевосита жанр хусусиятлари билан боғлиқ. Чунки ҳар бир шеърий жанр, аввало, ўзига хос композицион бутунлик ҳисобланади. М.Бахтин жанрнинг ўзи уч компонентдан: тематик, услубий, композицион тўлиқликдан иборатлигини назарий жиҳатдан асослаган [1,237]. В.Жирмунский сўз санъатига оид усуллар таснифида, шунингдек, назарий поэтикада ҳодисалар гуруҳини учга: стилистика, тематика ва композицияга ажратади [2,4]. Демак, “композиция масаласи бошқа бадиий жинслар қатори шеъриятнинг, жумладан, лирик шеъриятнинг ҳам ҳаётий, муҳим масалаларидан биридир” [3,291]. Адабиётшунослик луғатларида композиция лотинча “тузилиш”, “қурилиш”, “таркиб” сўзларидан олинганлиги қайд қилинган. Композиция бадиий асардаги қисмлар, образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвиридаги мезони ва мувофиқлигидир [4,150]. Лирик композиция адабий композициянинг бир тури, мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиги, ҳаққонийлиги, эмоционаллиги ва шу поэтик ғояга нисбатан

қисм ва образларнинг мувофиқлик даражаси, тасвир меъёри ва жойлашиш мутаносиблигидир.

Лирик асарлар композициясида қофия муҳим аҳамиятга эга. Профессор У.Тўйчиев қофиянинг асосий функциясини қуйидагича кўрсатади: “Муҳим маъно ва фикрларни таъкидлаш орқали поэтик мазмуннинг реал ифодаланишига кўмаклашиш; тасвирий восита бўлиб келиб, шеърнинг бадиий жиҳатдан юксак бўлишига ҳисса қўшиш; мисраларнинг хушоҳанг бўлишини таъминлаш; ритмик қаторлар охирини эслатиш; бандни уюштириш; янги-янги шеър шакллари ва поэтик жанрларни вужудга келтириш ва бошқалар қофиянинг асосий функциясидир” [5,108]. Қофия шеърнинг товуш тузилишида, ритмик таркибида, интонациясида, синтактик-семантик боғланишида, банд тузилишида муҳим вазифани бажаради. Маълумки, “қофия – шеърий мисралардаги айрим сўзларнинг, баъзан қўшимчалар, ҳижолаар ёки сўз бирикмаларининг бир хилда ўзаро оҳангдош бўлиб келишига асосланган, фақат шеърият учун хос бўлган белгилардан бири. Шунинг учун қофия шеърий нутқни оҳангдор ва таъсирли қилишга хизмат этади,

мисраларнинг эса сақланиб қолишини осонлаштиради” [6,261-262]. Кўринадик, ижодкор поэтик маҳорати даражаси шеърнинг бадиий-эстетик таъсирчанлиги ва оҳангдорлиги, қофиядош сўзларнинг поэтик контекстдаги функцияси воситасида юзага чиқади. Қофия таркибидаги товушларнинг тўла мос келиши тўлиқ (тўқ) қофия ҳисобланиб, Абдулла Ориповнинг “Наврўз” шеърда қофияланувчи сўзларнинг товуш таркиби бир-бирига тўла мос келишини кузатамиз:

Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз [7,344].

Ушбу шеър тўрт банддан иборат. Маълумки, банд – аниқ фикр, ҳис-туйғу ёхуд манзарани ифодалайдиган, маълум тартибда қофияланган шеъринг бўлак. Юқоридаги мисолда қофияланувчи сўзлар банддаги ўрнига кўра а-б-а-б шаклидаги кесма қофия турига мансуб. Мазкур қофия тизими бошқа шеър бандларида ҳам айнан такрорланади. Биринчи банддаги “сўз”, иккинчи банддаги “муз”, учинчи банддаги “туз” ва тўртинчи банддаги “кўз” қофияланувчи сўзлар ҳар бир банд сўнгида такрорланаётган “Келмоқда Наврўз” сатрлари билан қофиядошдир. Шеърда олам ва одамнинг яшариши, покляниши юртимизга баҳор фаслининг кириб келиш тасвири билан боғлиқ поэтик манзарада акс этади. Шоир Наврўзнинг келишини янги куннинг бошланиши, дея таъкидларкан, Оламнинг яралиши арабча “коф” ва “нун” ҳарфларининг бир-бирига қўшилиб, “кун!” га айланиши натижасида “ярал!”, “бунёд бўл!” деган маъноларни англатишига ишора қилади. Шеърнинг “сўнгра куртакларга ўргатади сўз” сатри замирига улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг “Одамзод вужуди осмонининг жаҳонни ёритар юлдузлари ва инсон зотига хос бўлган коннинг беҳисоб жавҳарлари бўлган сўз” [8,23] нинг қудрати ва таърифи ҳақидаги доҳиёна фикрларини жо қилади. Заминнинг кўзидан уйқу қочиши бутун башариятнинг уйғонишига, ўзлигини англашига, сергак тортишига ишорадир. Шеърдаги “Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой, Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз” сатрлари қиш ва ёз (икки кутб)нинг ўзаро қурашуви, қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида янги кун, янги йилнинг кириб келиши ҳақидаги дуалистик қарашлар асосида ифодаланган.

Шарқ поэтикаси назариясига кўра, қофия таркибини фонетик жиҳатдан текшириш шеър

контекстида қофиянинг функцияси, композицион сатҳдаги ўрнини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, равий қофияни ташкил этувчи элемент бўлиб, сўзнинг асл ёки ясама ўзаги охиридаги товушдан иборат. Шундай экан, “Наврўз” шеърда бандлар таркибидаги “сўз”, “Наврўз”, “муз”, “туз”, “кўз” қофияларидаги з-равий. Қофияланувчи сўзда равийдан кейин ҳеч қандай элемент бўлмаса, бундай қофия “қофияи мужаррад” дейилади. Равийдан олдин келувчи элемент – ридф (мингашиш) ундош равийдан олдин келган узун унлидир. Демак, “сўз – Наврўз – муз – туз – кўз” қофияларида з ундош равий, унинг олдидаги узун унли ў(у) – ридфдир. Ридфли қофия эса қофияи мураддафа дейилади. Шу ўринда В.Жирмунскийнинг “Қофия, унинг тарихи ва назарияси” тадқиқотидаги назарий қарашларини келтириш жоиз: “Қофия шеъринг композицияда ташкилий функцияга эга бўлган товуш такроридир. У юқори сифатли товуш элементларини бадиий тартиблашни назарда туттади. Қофия учун товушларни танлаш, айниқса, таъкидланган унлиларни танлаш, бандни тузишда муҳим омил ҳисобланади” [9,37].

Шеърдаги баҳор келиши билан “эриётган муз” янги кундан бошлаб дунёнинг меҳр-шафқатга, мурувватга тўлиши нишонаси, дунёнинг “тенгсиз бир чирой”да жилва қилишига, эзгулик ғолиб келишига ишора. А.Орипов поэтик маҳорати ўзига хос шеъринг композициясида қофиядош сўзларни заргарона танлашида, уларда оламнинг яралиш формуласини кўра олишида кўзга ташланади. Бу, ушбу сўзлар воситасидаги мантиқий маъно занжирида намоён бўлади: “сўз -Наврўз -туз -кўз”.

Шеърдаги “Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз”, “Яна шуълалардан қамашмоқда кўз” сатрларидаги қофия учун танланган “туз” сўзи ризқ-рўз, “кўз” сўзи оламнинг гўзалликларидан баҳра олиш, тириклик маъноларини ифодалайди. Демак, мазкур шеърда ифодаланаётган поэтик ғоя шеър композицион марказини ташкил қилади. Қофияланувчи сўзларнинг ҳар бир

→ → →
банд сўнгидаги “Наврўз” сўзи билан қофияланиши бандлараро композицион ҳалқани ҳосил қилади. Бу эса, шеърнинг композицион жиҳатдан яхлитлигини кучайтиради. Аслида, лирик шеър композициясининг уч аспекти: ташқи (матний), тематик ва ритмик-интонацион қурилиши бир-

бирига сингиб, бир-бирини тўлдиреди ва яхлит эстетик ҳодисани воқелантиради [10,39]. Шундай экан, “яхлит эстетик ҳодисани воқелантирувчи” лирик композицияда қофия лирик кечинманинг таъсирчанлиги, ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилади. Натижада лирик қаҳрамон юрагида ҳаётга бўлган муҳаббат, яшаш завқи, ҳаётсеварлик ғояси лаҳза сайин ортиб бораётганини ҳис қиламиз. Демак, лирик шеър композициясида лирик кечинманинг динамик тарзда ўсиб бориши ва ўқувчига завқ беришида қофия алоҳида ўрин тутади.

Шеъринг асарларнинг композицион қурилиши уларнинг жанр хусусиятларини ҳам белгилувчи омилдир. Эркин Воҳидовнинг “Икки жаҳонни садқа қил” шеърининг ҳар банди икки мисрадан иборат композицион бутунликдир. Шеър иккилик банд тузилишига эга бўлиб, а-а, б-а, в-а, г-а, д-а тарзида қофияланган. Шоир яхшилик, меҳр-оқибат, дўстлик каби туйғуларни улуғлайди ва инсонпарварлик, дўстлик ғоялари шеър композицион марказини ташкил қилади. Шоир биринчи бандда қофия ва анафорани параллел қўллаб, шеърнинг стилистик-композицион хусусиятини орттиради:

Яхшилик қилма бировга кўз учун,
Яхшилик асли бировмас, ўз учун [11,258].

Шеърда “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” концепциясига асосланган поэтик фикр “кўз – ўз – рўз – бўз – дилсўз – сўз” қофиялари асосида бандлараро ривожланиб, ўсиб боради. Мазкур шеър композициясида шеър сарлавҳаси ва илк банд бошланма вазифасини бажариб, ўқувчини шеърни қабул қилишга эмоционал жиҳатдан тайёрайди. Шеърнинг кейинги бандлари ўй-фикр ва ҳис-кечинмалар ривож бўлиб, лирик қаҳрамон инсон умрининг моҳиятини, тириклик ҳикматини ҳаётини хулосалари орқали ифода этган. Шеър

композициясида сўнги банд яқун бўлиб, шоир поэтик хулосалари поэтик ғояси билан уйғунлашади:

Жон надир, икки жаҳонни садқа қил
Дўст сенга айтган бир оғиз сўз учун [11,258].

Эркин Воҳидов шеърларида, асосан, тўқ қофиялар учраса-да, шоир баъзан қофия имкониятларидан самарали фойдаланиб, ундош ва унли товушлари муштарак оҳангдорликка эга қофияларга ҳам мурожаат қилади:

Тангри тоғ – шамойили,
Жайхун, Талас ва Или –
Боболарим манзили –
Туркистон бир, ватан бир [11,216].

Шеърдаги “шамойили – Или - манзили” қофиядош сўзлари фикрнинг оҳанг билан уйғунликдаги салмоғини орттириб, шоирнинг поэтик маҳоратини кўрсатишда хизмат қилган. Ушбу ўринда Фитратнинг қуйидаги сўзлари характерлидир: “...қофия юракимиздаги сезгиларимизни тасвирлай олмайди; сезгиларимизни тасвир этувчи сўзларимизни безайди (зийнат берадир); сезгиларимизни бошқаларга ўткармак учун айтилғуси сўзлар вазли, қофияли бўлганда мусиқа оҳангини бериб турадир, шунинг учун кулоққа ёқимлироқ келадир” [12,58]. Дарҳақиқат, қофия шеърини нутқда оҳангдорлик ва мусиқийликни таъминлаб, шеърнинг ритмик жиҳатдан жозибадорлигини юзага чиқарувчи муҳим омил ҳисобланади.

Хуллас, лирик композицияда қофия товуш ва банд тизими, синтактик-семантик уйғунликда муҳим вазифа бажариб, лирик кечинманинг ҳаётини ва таъсирчан талқинига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Медведов П.Н. (Бахтин М.М.). Формальный метод в литературоведении. – Ч. III, гл. 3. – 1981.
2. Жирмунский В. Композиция лирических стихотворений // Сборник по теории поэтического языка, Вып 4. Сюжет 4. – 1921.–С.4. <http://books.e-heritage.ru/book/10071193//>
3. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978.
4. Хатамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшуносик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
5. Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Т.: Фан, 1966.
6. Хатамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшуносик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
7. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
8. Алишер Навоий. Хамса. Насрий баён. – Т.: Navro'z, 2019.
9. Жирмунский В. Рифма, ее история и теория. – Петроград, 1923. https://rifmovnik.ru/lib/5/rifma_ee_istoriya_i_teoriya_zhirmunskij.htm
10. Куронов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Akademnashr, 2018.
11. Эркин Воҳидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. – Т.: Sharq, 2016.
12. Фитрат. Шеър ва шоирлик. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/uygonish/247-sheer-shoirlik.html>

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори).